Ягона Ватан,
ягона халқ бўлиб,
янги ҳаёт ва
келажак яратамиз!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

https:// adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA № 34 (1602) 2026-YIL 28-AVGUST, JUMA



МУСТАҚИЛЛИК –

БИРЛИК, АДОЛАТ ВА ЁРҚИН КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Табрик

Азиз ватандошлар!
Қадрли партиядошлар!
Сизларни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг шонли 35 йиллиги билан Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши номидан самимий муборакбод этамиз!

Ўтган ўттиз беш йил – халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, матонати ва юксак иродаси намоён бўлган шонли тараққиёт даври бўлди. Шу йиллар мобайнида мамлакатимизда давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, илм-фан ва маданият соҳаларида мустаҳкам пойдевор яратилди. Энг муҳими, инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат ва жамият ҳаётининг бош мезонига айланди.

Бугунги мураккаб ва зиддиятли дунёда мустақилликнинг қадри, Ватан тинчлиги ва халқ ҳамжиҳатлигининг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам яққолроқ намоён бўлмоқда. Шу маънода, ушбу қутлуғ сананинг “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган эзгу шиор остида нишонланаётгани чуқур мазмунга эга. Зеро, миллати, тили, дини ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, барча фуқароларнинг муштарак мақсад йўлида бирлашуви – мамлакатимиз мустақиллиги ва барқарор тараққиётининг энг ишончли кафолатидир.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатида эътироф этилиши халқпарвар ислоҳотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратди. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши, сифатли таълим ва тиббий хизматдан баҳраманд бўлиши, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларнинг давлат кўмагини амалда ҳис этиши, хотин-қизлар ва ёшлар учун тенг имкониятлар яратилиши устувор вазифа даражасига кўтарилди.

2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши эса ислоҳотлар натижасини ҳар бир ҳудуд, ҳар бир маҳалла ва ҳар бир оила ҳаётида намоён этишга қаратилган муҳим қадам бўлди. Чунки маҳаллада адолат, ҳамжиҳатлик ва фаровонлик қарор топса, бутун жамият юксалади. Аҳоли муаммоларини қуйи бўғинда ҳал этиш, ижтимоий хизматларни инсонга яқинлаштириш, муносиб иш ўринлари яратиш ва ҳудудлар инфратузилмасини янгилаш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг амалий мезонидир.

“Адолат” социал-демократик партияси учун мустақиллик, аввало, инсоннинг эркин ва фаровон яшаши, қонун олдида барчанинг тенглиги, кучли ижтимоий ҳимоя ҳамда ҳар бир фуқаро учун муносиб имконият демакдир. Биз меҳнати муносиб қадрланадиган, инсон ҳуқуқлари ишончли ҳимояланадиган, сифатли таълим ва тиббий хизмат барча учун бирдек очиқ бўлган адолатли жамият барпо этишни ўзимизнинг олий мақсадимиз деб биламиз.

Ишончимиз комилки, ягона мақсад атрофида бирлашган, ўз кучи ва салоҳиятига таянган мард ва меҳнаткаш халқимиз Янги Ўзбекистонни янада обод, адолатли ва фаровон давлатга айлантириш йўлида улкан марраларни забт этади.

Ушбу улуғ айём муносабати билан барча юртдошларимизга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларига файзу барака, оилавий бахт ва хотиржамлик тилаймиз.

Она-Ватанимиз тинч, халқимиз омон, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги барчамизга муборак бўлсин!

Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши

ЖАДИДЛАР ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:

маърифатдан миллий уйғонишгача бўлган йўл



6

ИНСОН КАМОЛОТИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БИРЛАМЧИ ШАРТИ

ЮКСАК ТАЪЛИМ –



2

ДЎСТЛИКНИНГ НАЗМОНА САҲИФАЛАРИ



5

ЮКСАК ТАЪЛИМ – ИНСОН КАМОЛОТИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БИРЛАМЧИ ШАРТИ



Энг улуғ, энг азиз байрамимиз – мустақиллигимизнинг 35 йиллик тўйи остонасида турибмиз. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида ободлик нафаси, байрамона шукуҳ ҳукм сурмоқда, юртдошларимиз кўзларида эса эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишонч ва самимий қувонч балқийди.

Мустақиллик ўз тупроғингда бошингни тик тутиб яшаш, мустақил қарор қабул қила олиш эркинлиги, қонун олдида ва жамиятда ўз қадрингни ҳис этиш ҳамда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан умргузаронлик қилиш бахти демакдир. Мамлакатимиз ҳам айни 35 ёшга тўлаётган, куч-ғайрати, тажрибаси ошаётган инсонга ўхшайди. Ўйлаб кўрсак, бу ёшда инсон оқу қорани танийди, босиб ўтган йўлидаги айрим хатоларидан тўғри хулоса чиқаради, ҳаётга реал нигоҳ билан қарай бошлайди.

Биз ҳам ана шундай тикланиш ва улғайиш йўлини босиб ўтдик. Йўқдан бор қилиб, давлатчиликни тикладик, бир пайтлар хом ашёга қарам бўлиб, фақат пахта сотиб ҳам кўрдик. Сўнгги йилларда хомхаёллар ва баландпарвоз ваъдалардан воз кечиб, ҳақиқий бозор иқтисодиёти ва халқ манфаатига хизмат қилувчи тизим қандай бўлиши кераклигини англадик. Бугун эса ҳар бир залворли режани аниқ амалий натижага айлантирмоқдамиз.

Бугунги халқимиз кечаги халқ эмас. Жамиятимизнинг дунёқараши, талаби ва фуқаролик позицияси ўзгарди. Одамлар энди ўз қадри, ҳуқуқи ва вақтнинг баҳосини билади. Келинг, ушбу ҳаётий ҳақиқатлар ва 35 йиллик тадрижий ривожланишни таълим тизими мисолида холисона кўриб чиқамиз.

Озода ПАРПИБОЕВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари

ТАЪЛИМ, ТАЪЛИМ ВА ЯНА ТАЪЛИМ

Умуман олганда, таълим – инсон камолоти ва жамият тараққиётининг бирламчи шартидир. Шу билан бирга, инсон омилининг ривожланиши, шахс шаклланиши ва миллат келажагини белгилайдиган асосий пойдевор вазифасини бажаради. Бугунги шиддат билан ўзгараётган глобаллашув ва юқори технологиялар асрида сифатли таълимга эга бўлмаслик жамиятни чуқур инқирозга етаклайди.

Агар умумий ўрта таълим тизими мустаҳкам бўлмаса ёки издан чиқса, жамиятда саводхонлик ва маданий савия кескин тушиб кетади. Меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган ва замон талабларига жавоб бера олмайдиган авлод шаклланади. Ёшлар ўртасида ишсизлик, жиноятчилик ва турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиш хавфи кескин ортади. Мамлакатнинг интеллектуал ва иқтисодий суверенитети емирилади.

Бугун дунёдаги геосиёсий ва иқтисодий вазият шуни кўрсатмоқдаки, табиий ресурслар эмас, балки айнан инсон капитали ва интеллектуал салоҳият давлатларнинг ривожланиш даражасини белгиламоқда. Шу боис, таълим тизимини мунтазам ислоҳ қилиш ва уни давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айлантириш фавқулодда муҳим вазифа саналади. Мамлакатимизда ҳам сўнгги 35 йил давомида бу соҳа мураккаб ва зиддиятли ривожланиш йўлини бошидан кечирди.

ШАХС ТАФАККУРИ ВА ДУНЁҚАРАШИНИНГ ИЛК ПОЙДЕВОРИ

Илм-фан инсон мияси ва мантиқий фикрлаш салоҳиятининг 80 фоиздан ортиқ қисми айнан 7 ёшгача бўлган даврда шаклланишини исботлаган. Шу сабабли, мактабгача таълимни шунчаки болани вақтинча парваришлаш ёки қараб туриш йўналиши эмас, балки таълим тизимининг мустаҳкам пойдевори, келажакдаги камолот муваффақиятининг бош омили, десак ўринли бўлади.

Мустақилликнинг илк йилларида собиқ тузумдан қолган иқтисодий қийинчиликлар оқибатида боғчаларни молиялаштириш кескин қисқаргани кўпчиликка маълум. Бунда тизим аслида янгиланиш ҳақида эмас, шунчаки мавжуд базани сақлаб қолиш ва тарқалиб кетмаслик ҳақида бош қотирарди. Кўплаб бинолар бошқа мақсадларда сотиб юборилди, боғча ёшидаги болаларни қамраб олиш кўрсаткичи 35 фоиз атрофида сақланиб турди.

2000–2016 йилларда эса соҳага инвестиция етарли бўлмагани сабабли болаларни боғчага қамраб олиш кўрсаткичи 27,7 фоизгача тушиб кетди. Бу дегани, мамлакатдаги болаларнинг 70 фоиздан ортиғи энг муҳим ривожланиш босқичида – шахс ва тафаккур шаклланадиган илк болалик даврида тизимли тарбия, ижтимоийлашув ва мактабга тайёргарликдан бутунлай маҳрум бўлди.

Янги Ўзбекистон даврида мактабгача таълимга бўлган муносабат тубдан ўзгарди ва алоҳида вазирлик даражасигача кўтарилиб, соҳада чинакам ўзгаришлар қилинди. Давлат-хусусий шериклик, нодавлат ва оилавий боғчалар модели эвазига қамров 78 фоизга етказилди. Боғчаларда замонавий интерфаол ўқитиш методлари жорий этилиб, болаларнинг кичик ёшданоқ мантиқий фикрлаш, жамоада ишлаш ва ижодий салоҳиятини оширишга замин яратилди.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ГЕНОФОНД ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ТИМСОЛИ

Мактаб – бу ҳар бир фуқаронинг жамиятда ўз ўрнини топиши, фундаментал билим ва ҳаётий кўникмаларни эгаллаши, шунингдек, миллий ўзлик ва ватанпарварлик туйғусини англашини таъминлайдиган бўғиндир. Мамлакат келажаги айнан мактаб синфхоналарида шаклланади. Мустақилликнинг илк йилларида шўро мафкурасидан тозаланган янги миллий дарсликлар яратиш, миллий алифбога ўтиш ва аждодларимиз меросини таълимга қайтариш бўйича дастлабки муҳим қадамлар ташланди. Бироқ молиявий танқислик ва тизимли ёндашувнинг етишмаслиги сабабли мактабларнинг моддий-техник базаси ва таълим сифати ҳавас қилгулик аҳволда эмасди.

2000–2016 йилларга келиб эса соҳада пухта ўйланмаган ва ҳаётдан узилиб қолган тажрибалар ўтказилди. Мажбурий 9 йиллик мактаб таълимига ўтилиши ўқувчиларнинг умумий билим базасини сустлаштириб юборди. Дарсликлар сифати пасайди, мактаблар моддий жиҳатдан қийин аҳволга тушди. 2017–2026 йилларда мактаб таълими давлат сиёсатининг марказига чиқди. Мамлакат бўйлаб 750 мингдан ортиқ янги мактаб ўринлари яратилди, инфратузилма янгиланди. Иқтидорли ёшларни саралаш ва уларга жаҳон даражасида таълим бериш мақсадида Президент ва ихтисослаштирилган мактаблар тармоғи ташкил этилди.

Бу тизим бутун мактаб таълими учун янги локомотивга айланди. Натижада ўзбек ўқувчилари нуфузли халқаро фан олимпиадаларида (IMO, IPhO, IChO, IOI, IBo) тарихий ютуқларни қўлга кирита бошлади. Шу билан бирга, халқаро сертификат (IELTS, TOEFL, SAT) имтиҳон харажатларининг давлат томонидан қопланиши йўлга қўйилгач, мамлакатда IELTS 8.0, 8.5 ва ҳатто максимал 9.0 балл олган ёшлар тўлқини шаклланди. Натижада ёшларимиз Гарвард, MIT, Оксфорд ва Кембриж каби дунёнинг энг сара университетларига тўлиқ грант асосида ўқишга кира бошлади.

МЕҲНАТ БОЗОРИ БАРҚАРОРЛИГИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ МАНБАИ

Замонавий касбий таълим – ҳар бир жамиятда иқтисодий ўсиш ва ёшларни реал даромад манбаи билан таъминлайдиган амалий воситадир. У олий таълимга муқобил равишда бозорда талаб юқори бўлган мутахассисларни тезкор ва сифатли тайёрлаши керак. Мустақилликнинг илк йилларида (1991–2000) собиқ совет ҳунар-техника билим юртлари сақланиб қолган бўлса-да, улар маънан ва жисмонан эскирган, янги иқтисодий муносабатларга ва бозор иқтисодиёти талабларига мос келмас эди.

2000–2016 йиллар оралиғида йўл қўйилган тизимли хатолардан бири – пухта ўйланмаган мажбурий 3 йиллик касб-ҳунар коллежлари тизимига ўтиш бўлди. Юзлаб муҳташам коллеж бинолари қурилди, лекин уларнинг ичи бўш эди; на замонавий ускуналар ва на малакали педагоглар бор эди. Энг ёмони – меҳнат бозорининг реал эҳтиёжлари ҳисобга олинмади. Миллионлаб ёшлар қўлида ҳеч кимга кераксиз диплом билан кўчада қолди, касб-ҳунар ўрганмасдан мардикорликка ва миграцияга юз тутди. Мажбурий 12 йиллик таълим амалда вақт ва ресурсларни ҳавога совуриш механизмига айланди.

2017–2026 йилларда соҳада хатолар очиқ тан олиниб, ўзини оқламаган коллежлар тизимидан воз кечилди. Уларнинг ўрнига Германия ва Швейцария тажрибаси асосида дуал таълимни қўлловчи, реал саноат ва меҳнат бозори эҳтиёжларига мосланган мономарказлар ва техникумлар ташкил этилди. Эндиликда касбий таълим ёшларга шунчаки диплом эмас, балки бозорда харидоргир бўлган касб, даромад манбаи ва келажакка ишонч берадиган тизимга айланди.

МУАЛЛИМ ҚАДРИ

Таълим самарадорлиги унда фаолият юритаётган ўқитувчининг билими ва салоҳиятига боғлиқ. Тарихга назар ташласак, шўро даврида ва мустақилликнинг илк йилларида ўқитувчи жамиятнинг эъзозли ва ҳурматли вакили ҳисобланарди. Маоши ва таъминоти юқори эди. Қишлоқда ёки шаҳарда бўлсин, муаллим кўчадан ўтса, одамлар ўрнидан туриб салом берар, унинг сўзи ва обрўси маҳалланинг олий мезони эди. Мустақилликнинг илк йиллари ва 2000-йилларнинг бошларида ҳам бу анъана муайян даражада сақланиб қолди. Гарчи молиявий қийинчиликлар бошланган бўлса-да, ўқитувчилар ўзининг олий маънавий бурчини чуқур англаб, машаққатли меҳнатни фидокорона давом эттирдилар. Лекин вақт ўтиши билан ташкилий ва тизимли босимлар кучайиб борди. Педагоглар секин-аста ўз асосий вазифасидан сиқиб чиқарилди: куз келса пахта даласида этак бойлади, баҳорда кўча ва ариқ супурди, сайловларда ва турли аҳоли рўйхатини олиш тадбирларида бепул ишчига айланди. Арзимас маош ва қадрининг топталиши сабабли энг иқтидорли кадрлар соҳани тарк этди, синфхоналарда эса руҳан толиққан ўқитувчилар қолди.

2017–2026 йилларда маънавий бурчнинг ўзигина муаллимни ҳимоя қилишга етмаслиги, унинг қадри қонун даражасида мустаҳкамланиши шартлиги аён бўлди. Давлат раҳбарининг “Таълим, таълим, таълим... Муаллим, муаллим, муаллим!” тамойили остида ўқитувчини мажбурий меҳнатга жалб қилиш жиноят даражасига кўтарилди ва қонунан тақиқланди. Муаллимнинг мақоми ва дахлсизлиги қонунан мустаҳкамланди. Педагогларнинг маошлари кескин оширилди, миллий ва халқаро сертификатга эга ўқитувчиларга 100 фоизгача устама бериш тизими жорий этилди. Муаллимнинг шаъни ва моддий эркинлиги тикланган жойдагина ҳақиқий таълим ислоҳоти юз бериши амалда ўз исботини топди.

Партиямиз электоратининг катта қисмини таълим соҳаси вакиллари ташкил этади. Шу боис, парламент ва кенгашлардаги ваколатлар орқали соҳани такомиллаштиришда фаол қатнашяпмиз. Айниқса, “Педагог ходимнинг мақоми тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилинишида ташаббускор бўлганимиз ўқитувчи қадрини қонуний мустаҳкамлашдаги амалий натижамиздир. Сайловолди дастуримизда ҳам соҳадаги кўплаб муаммоларга аниқ ечимларни илгари сурганмиз.

Юқоридагилар ўзимиз билган ҳаётий ҳақиқатлар. Албатта, бугун ҳам соҳада ҳамма нарса мукаммал ёки муаммосиз деб айтишдан йироқмиз. Айрим оғриқли нуқталаримиз сақланиб қоляпти. Лекин кечаги ва бугунги миллий таълим ўртасида катта фундаментал фарқ бор: энди биз ишни биламиз, тизим яратишни ва натижа қилишни ҳам. Энг муҳими – йўналиш тўғри олинди. Жамиятимиз ўз қадрини, ҳуқуқини ва келажагини англади. Бу муқаддас йўлда эришилган ҳар бир ютуқни асраб-авайлаш ва янги марралар сари оғишмай ҳаракат қилиш эса барчамизнинг умумий бурчимиздир.

Юксак мукофотлар муборак, АЗИЗ ПАРТИЯДОШЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН БИР ГУРУҲ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ДАВЛАТИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Мукофотланганлар сафида **Фанлар академияси Хоразм Маъмун академияси раиси, “Адолат” СДП Хоразм вилояти Фахрийлар кенгаши раиси Икрам Искандарович Абдуллаев** *ҳам бор.*

Президентимизнинг тегишли фармонига мувофиқ, Икрам Абдуллаев мамлакатимиз илм-фани ва таълим соҳасини ривожлантириш, халқимизнинг интеллектуал салоҳияти ҳамда маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун “МЕҲНАТ ШУҲРАТИ” *ордени билан тақдирланди.*

Икрам Искандаровичнинг илмий ва жамоатчилик фаолиятидаги ташаббускорлиги, бой ҳаётий тажрибаси, фидойилиги ҳамда партия гояларини тарғиб этишдаги фаол иштироки сафдошларимиз учун чинакам ибратдир. Унинг мазкур юксак давлат мукофотига сазовор бўлиши кўп йиллик меҳнати ва Ватан равнақи йўлидаги хизматларига берилган муносиб баҳо бўлди.





* * *

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз беш йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонига кўра, **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси раҳбари ўринбосари Муҳаммаджон Шералиевич Валиев** *мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, жамиятда тинчлик ва тотувликни сақлаш ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлидаги фидокорона хизматлари учун* “ШУҲРАТ” *медали билан тақдирланди.*

Муҳаммаджон Шералиевичнинг парламентдаги фаолияти, қонун ижодкорлиги жараёнидаги фаол иштироки, сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтиришга қаратилган ташаббуслари партиямиз дастурий мақсадларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу юксак эътироф барча партиядошларимизга алоҳида фахр ва ифтихор бағишлади.

* * *

Яна бир сафдошимиз – **Паркент туманидаги “Гулбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси Биллура Шоҳайдар қизи Шойўлдошова** “КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ” *медали билан тақдирланди.*

Албатта, бу мамлакатимизда ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг ташаббускорлиги, меҳнатсеварлиги ҳамда ватанпарварлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатининг амалий ифодасидир.



“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши сафдошларимизни юксак давлат мукофотлари билан қутлаб, уларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий фаровонлик ва масъулиятли фаолиятларида улкан зафарлар тилайди.



Қорақалпоғистон:

ПАРТИЯВИЙ НАЗОРАТ ВА МУЛОҚОТ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда фуқаролар учун муносиб турмуш шароитини яратиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Айниқса, мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида амалга оширилаётган эзгу ишлар самарадорлигини ошириш, жойлардаги реал ҳолатни атрофлича ўрганиш ва одамларни қийнаётган долзарб масалаларга ечим топиш алоҳида аҳамият касб этяпти. “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Озода Парпибоева бошчилигидаги Марказий аппарат ишчи гуруҳи Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, ислоҳотлар самарадорлиги билан танишди.



Абдураҳмон КОЙЛИБОЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби

Дастлаб партия масъуллари Нукус шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилоти иш самарадорлиги билан танишдилар. БПТ томонидан партия дастурий мақсадларини жамоа ўртасида тарғиб этиш, аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган ташаббуслар таҳлил қилинди. Мулоқотда БПТлар салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ва аҳоли манфаатларига дахлдор масалаларни ҳал этишда партия иштирокини кенгайтириш бўйича муҳим таклифлар илгари сурилди.

ТИББИЁТДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР – АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш партиямиз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири. Шундан келиб чиқиб, ишчи гуруҳ Республика болалар шифохонасидаги иш жараёнлари, бемор болалар учун яратилган шароитлар ва замонавий тиббий технологиялардан фойдаланиш ҳолати билан танишди.

Муассаса масъуллари билан суҳбатда касалликларни эрта аниқлаш, болаларга ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама қилинди. Шифохонада фаолият юритаётган БПТ фаолияти ўрганилди. Мулоқот чоғида тиббиёт ходимларининг фикр ва таклифлари тингланиб, соҳадаги муаммоларни бартараф этиш ва тиббиёт ходимларининг меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича партия ташкилотларининг ташаббускорлигини ошириш зарурлиги таъкидланди. БПТ фаолиятини янада жонлантириш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Ўрганиш ишлари Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг Қорақалпоғистон Республикаси филиалида давом этди. Ишчи гуруҳ аъзолари бу ерда беморларга яратилган шароитлар ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳолатини кўздан кечирди. БПТ аъзолари билан мулоқотда соҳадаги ишларни такомиллаштириш ва соҳа ходимларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббуслар юзасидан фикр алмашилди.

Маълумки, беморлар ҳаётини асраб қолиш ва жамиятда донорлик қадриятларини оммалаштириш партиянинг инсонпарварлик тамойилларига ҳамоҳанг. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва беморларга тезкор ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар доирасида ишчи гуруҳ Нукус шаҳридаги қон қуйиш марказида ҳам бўлди.

Учрашувда “Адолат” СДП томонидан йилига икки маротаба анъанавий равишда ташкил этиб келинаётган хайрия акцияларининг аҳамияти алоҳида эътироф этилди. Ушбу ташаббус доирасида қон топшириш ва бемор болаларга манзилли тиббий ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг соғайишига муносиб ҳисса қўшиб келинмоқда. Марказ ходимлари билан кечган мулоқотда донорлик ҳаракатини янада кенгайтириш ва бундай эзгу ташаббусларни изчил давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

“ЖАС АЎЛАД” МАҲАЛЛАСИ: ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА ВА ЕТТИТА ЯНГИ ЛОЙИҲА

Янги Ўзбекистонда маҳалла институтини мустаҳкамлаш, ҳудудларни ободонлаштириш ва ижтимоий масалаларни бевосита маҳалланинг ўзида ҳал этишга устувор аҳамият берилмоқда. Ишчи гуруҳ Нукус шаҳридаги замонавий қиёфага эга “Жас аўлад” МФЙда бўлиб, “маҳалла еттилиги” билан учрашди.

2023 йилда ташкил этилган маҳаллада 2036 хонадонда 4821 нафар фуқаро яшайди. Учрашувда аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар билан ишлаш ҳамда 2026 йилда маҳаллада муваффақиятли амалга оширилган еттита микро-лойиҳанинг аҳоли фаровонлигига кўрсатган ижобий таъсири атрофлича таҳлил қилинди. Суҳбат якунида маҳалладаги ижобий тажрибаларни оммалаштириш ва мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш юзасидан таклифлар илгари сурилди.

ҚАДИМ ХЎЖАЙЛИДА ПАРТИЯ ТУЗИЛМАСИ ҚАНДАЙ ИШЛАМОҚДА?

Партиянинг туман кенгашлари фаолиятини кучайтириш, маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизими доимий эътиборда. Шундан келиб чиқиб, Марказий аппарат ишчи гуруҳи “Адолат” СДП Хўжайли туман кенгашида ўрганиш олиб борди.

Тузилманинг ташкилий фаолияти, БПТлар ишини мувофиқлаштириш ҳамда депутатларнинг сайловчилар билан мулоқоти ўрганилди. Маълумот учун, айни пайтда туманда 1 минг 514 нафар партия аъзоси мавжуд бўлиб, Халқ депутатлари туман Кенгашида партиядан 2 нафар депутат фаолият юритмоқда. Муҳокамалар давомида аҳоли билан очиқ мулоқотни таъминлаш бўйича амалий тавсиялар берилди.

“НУРЛИ ЖОЛ”: ХОНАДОНМА-ХОНАДОН ТИНГЛАНГАН МУРОЖААТЛАР

Халқ ичига кириб бориш ва хонадонлардаги реал муаммоларни ўрганиш – депутатлик ва партиявий назоратнинг энг муҳим мезонидир. Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва муаммоларни манзилли бартараф этиш бўйича Сиёсий Кенгаш раиси ўринбосари Хўжайли туманидаги “Нурли жол” маҳалла фуқаролар йиғинига ҳам борди.

Мулоқотлар давомида маҳалладаги мавжуд камчиликлар, кўчаларни ободонлаштириш ва инфратузилмани яхшилаш бўйича фуқароларнинг таклифлари эшитилди. Кўтарилган ҳар бир масала бўйича масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

ФАОЛЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Олиб борилган ўрганишлар ва мулоқотлар якунида эришилган натижаларни сарҳисоб қилиш ҳамда фидойи фаолларни эътироф этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси кенгашида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Унда барча туман ва шаҳар кенгашлари раислари ҳамда депутатлар “Zoom” платформаси орқали иштирок этдилар.

Тадбирда амалга оширилган ишлар кўриб чиқилиб, келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди. Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан партия тизимида кўп йиллар давомида самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ фаол ходимларга “Адолат” кўкрак нишони топширилди. Бундай эътироф сафдошларимизнинг халқ фаровонлиги йўлида янада фидокорона меҳнат қилишига муносиб рағбат бўлди.

Ҳудудлардан хабарлар

ЮКСАЛИШ ВА ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ. *Сўнгги йилларда иқтисодиётда амалга оширилган ўзгаришлар, банк-молия тизимидаги янгиланишлар ва тадбиркорликка берилаётган кенг имкониятлар аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.*



Истиқлолимизнинг 35 йиллиги арафасида “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” шиори остида “Адолат” СДП Навоий вилояти кенгаши, Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаси ҳамда Фахрийлар кенгаши ҳамкорлигида Навоий шаҳрида ўтказилган байрам тадбири ана шундай руҳда кечди.

Анжуманда Фахрийлар кенгаши раиси Рамазон Рустамов эса истиқлол даврида банк-молия тизимида юз берган туб ўзгаришлар ва орттирилган тажрибаларни батафсил сўзлаб берди. Партия вилоят кенгаши раиси Мансуржон Ҳамидов Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги инсонпарвар ислоҳотлар моҳияти ва халқаро ҳамкорлик масалаларига тўхталди.

Анжуманда давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида белгиланган муҳим иқтисодий мақсадларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, жорий йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 180 миллиард доллардан, экспортни эса 40 миллиард доллардан ошириш бўйича олинган марралар иқтисодий тараққиётнинг яққол ифодаси экани қайд этилди.

***

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ. *Китоб туманида “Бир Ватан, бир тақдир” мавзусидаги бўлиб ўтган давра суҳбатида партиянинг туман кенгаши фаоллари, депутатлар, нуронийлар, Ёшлар ишлари агентлиги, Касаба уюшмалари федерацияси ва Маҳаллалар уюшмаси туман бўлимлари вакиллари қатнашди.*

Юртимиздаги осуда ҳаёт, тинчлик ва барқарорлик энг катта бойлигимиз экани алоҳида эътироф этилди. Депутат Нажмиддин Тўраев, 84-мактаб директори Лобар Носирова ва партия фаоли Собиржон Қодиров ўз чиқишларида тараққиёт ва тинчлик ўз-ўзидан бўлмаслиги, уни асраб-авайлаш ҳамда юрт ривожига муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканини таъкидладилар.



Учрашувда, навқирон авлодни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат ва юрт тақдирига дахлдорлик руҳида тарбиялаш, улар учун яратилаётган кенг имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича ҳамкорликда лойиҳалар тайёрлаш ва амалий ишларни янада кучайтиришга келишиб олинди.

***

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. *Инсон қадрини улуғлаш, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш бугунги ислоҳотларнинг бош ғоявий йўналишидир. Жиззах вилоятида ҳам мустақиллик шодиёналари арафасида маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.*

Партиянинг Шароф Рашидов туман кенгаши вилоят Ахборот-кутубхона марказида “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” шиори остида учрашув ташкил этди.



Таъкидланганидек, юртимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришлар замирида инсон ва унинг манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Анжуманда туман кенгаши раиси Заркумуш Мамасолиева сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида мамлакатимизда эришилган ютуқлар, партия томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда адолатли жамият барпо этиш борасида олиб борилаётган хайрли ишларга тўхталди.

Мулоқот сўнггида ёш ижодкорлар ва фаоллар томонидан Ватан, мустақиллик ва миллий қадриятларни мадҳ этувчи шеърлар, бадиий-мусиқий чиқишлар намойиш этилди.

Ҳудудий кенгашлар матбуот хизматлари

ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ – АҲОЛИ РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ

Ватанимиз истиқлолининг 35 йиллик шодиёнасига ҳам саноқли кунлар қолди. Албатта, бу йилги байрам ўзининг моҳияти, қамрови ҳамда жамиятимизга кўрк бағишлаётган бунёдкорлик руҳи билан аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча тармоқларида кечаётган туб ислоҳотлар, янгиланишлар нафаси бугун маҳаллалар ҳаётида бўй кўрсатмоқда.

Умида ФАЙЗИЕВА,
“Адолат” СДП Олмазор тумани кенгаши раиси, туман кенгаши депутати



Бу борада, аниқроғи давлат бошқаруви ва жамият ҳаётида шаклланган энг катта ютуқ – халқ билан очиқ ва манзилли мулоқот механизми йўлга қўйилганидир.

Сир эмаски, илгари фуқаролар ўз дарди, оғриқли масалалари билан идорама-идора сарсон юрган бўлса, бугун давлат органлари ва халқ вакиллари бевосита одамлар орасига, маҳаллаларга кириб боряпти. “Инсон қадри учун” деган тамойил, чин маънода, олий қадрият даражасига кўтарилди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатимиздаги сиёсий муҳитнинг янгиланиши партиялар зиммасига ҳам улкан масъулият юклади. Сиёсий майдонда соғлом рақобат, очиқ муҳокамалар ва турли қарашлар кураши жонланиб, жамиятда шаффофлик, ижро органларининг ҳисобдорлиги ва бошқарув самарадорлигини таъминлашга эътибор кучайди.

Зотан, бугунги сиёсий партия, депутатлик корпуси вакили халқ ичидаги оғриқли масалаларни дадил кўтарадиган, аҳолининг турли қатламлари манфаатини муносиб ҳимоя қиладиган ва ижро ҳокимияти фаолиятига холис баҳо бериб, зарур ўринларда қатъий талаб қўя оладиган таъсирчан куч бўлиши лозим. Мазкур демократик ўзгаришлар маҳаллий Кенгашлар ва депутатлар фаолиятига ҳам янгича мазмун бағишламоқда. Энди тайёр қарорларни шунчаки маъқуллаб бериш эмас, балки ўз округи, сайловчилари тақдири ва ободлиги учун тизимли ишлаш даркор.

Халқ депутатлари Олмазор туман Кенгаши ва партиямиз депутатлик гуруҳи вакиллари ҳам маҳаллий бюджет сарфини сессияларда очиқ муҳокама қилиб, маблағларнинг манзилли ва иқтисод қилинган ҳолда ишлатилишини таъминлашга ҳисса қўшишмоқда. Ҳудудий раҳбарларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлиги оширилиб, вазифасига совуққон қараган мансабдорларга нисбатан қатъий чоралар кўришга муваффақ бўляпмиз. Энг муҳими, йиллар давомида тўпланиб қолган инфратузилма, ичимлик суви, йўл, тиббиёт ва таълим тизимидаги оғриқли масалаларни тизимли равишда ҳал этяпмиз.

Йил бошидан буён партиямиз туман Кенгаши ва депутатларимиз томонидан айнан шу талаб ва мезонлардан келиб чиқиб, аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизга хавфсиз ва муносиб шароит яратиш фаолиятимизнинг устувор йўналишига айланди. “Қичқирик” маҳалласида жойлашган 441-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида олиб борилаётган кенг қамровли реконструкция ва ободонлаштириш ишлари, бино фасади, эшик-деразаларни янгилаш жараёнида ташаббускор бўлдик.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳар кенгаши депутати Луиза Ҳикматова билан ҳамкорликда “Ғани Аъзамов” маҳалласидаги 185-мактабнинг эскирган иситиш тизимини куз-қиш мавсумига тайёрлаш масаласи бўйича киритилган депутатлик сўрови ўз натижасини берди. Ушбу муаммони ҳал этиш учун қарийб 1 миллиард сўм маблағ ажратилишига эришилди ва таъмирлаш ишларининг сифатли бажарилиши назоратга олинди.

Халқ билан мулоқотнинг энг самарали воситаси бўлган сайёр қабуллар орқали йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар босқичма-босқич ўз ечимини топмоқда. Масалан, “Қичқирик” маҳалласида ўтказилган сайёр қабулда фуқаролар томонидан электр подстанциясини таъмирлаш ҳамда 22 та кўп қаватли уйнинг йўлакларини асфальтлаш бўйича қилинган мурожаатлар тегишли дастурларга киритилиб, ижобий ҳал этишга кўмаклашдик. Бугунги кунда ушбу маҳалладаги йўллар, уйларнинг фасад ҳамда ертўла қисмлари қайта таъмирланмоқда.

Ижтимоий кўмак борасида ҳам эътиборга молик ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, “Бўстонобод" маҳалласидаги кам таъминланган оилалар фарзандларини чет тили ва математика курсларида 50 фоизлик чегирма асосида ўқитишни назоратга олдик, “Қичқирик” маҳалласида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида депутатлик кўмаги билан қатор фуқароларга имтиёзли кредитлар ажратилишини таъминладик.

Халқ розилиги йўлидаги бундай ташаббус ва амалий ҳаракатларни келгусида ҳам тизимли давом эттирамиз.



БУГУНГИ БИЛИМ – ЭРТАНГИ ҒАЛАБА



Баҳодир ХОЛИҚОВ,
Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор

Ўттиз беш йиллик тараққиёт йўлимизга назар ташласак, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш, янги авлодни билимли, маърифатли ва юксак салоҳиятли инсонлар этиб тарбиялаш йўлида улкан ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз.

Айниқса, таълим соҳасидаги ислоҳотлар Янги Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Бугун таълим ва илм-фан нафақат иқтисодий тараққиёт, балки жамиятнинг маънавий юксалиши, интеллектуал салоҳияти ва миллий хавфсизлигининг муҳим омили сифатида қаралмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида хорижий тилларни билиш ёшларнинг рақобатбардошлигини белгилайдиган муҳим мезонлардан бирига айланди.

Тил билган инсон дунёни англайди. У бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ўрганади, илм-фандаги янгиликлардан хабардор бўлади, халқаро тажрибаларни ўзлаштиради. Энг муҳими, ўз юртининг тарихи, маданияти ва салоҳиятини дунёга танитиш имкониятига эга бўлади.

Самарқанд давлат чет тиллар институти ана шу эзгу мақсадлар йўлида фаолият юритаётган таълим даргоҳларидан биридир.

Институтда инглиз, немис, француз, испан, итальян, корейс, япон, хитой, араб, рус ва турк тиллари асосий ҳамда иккинчи тил сифатида ўқитилмоқда.

Бу ерда таълим олаётган ёшлар келажакда мактаб ўқитувчиси, таржимон, гид, илмий ходим, халқаро муносабатлар ва туризм соҳаси мутахассиси сифатида мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиши учун зарур билим ва кўникмаларни эгалламоқда.

Бугун институт битирувчилари мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим мактабларини малакали чет тили ўқитувчилари билан таъминлашда ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шунингдек, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳалари учун зарур бўлган гид-таржимонлар ва бошқа мутахассислар ҳам тайёрланмоқда.

Замонавий меҳнат бозори ёш мутахассисдан фақат диплом эмас, балки чуқур билим, касбий маҳорат, хорижий тилларни билиш ва доимий изланишни талаб қилмоқда.

Шу боис институтда таълим сифатини ошириш, талабаларнинг хорижий тилларни пухта ўзлаштириши ва халқаро стандартларга мос билим олишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган 2021 йил 19 майдаги қарорида белгиланган вазифалар ижроси доирасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Талабаларнинг миллий ва халқаро тил билиш сертификатларини қўлга киритиши учун уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида менторлик тизими йўлга қўйилган. Профессор-ўқитувчилар томонидан давра суҳбатлари, мастер-класслар, амалий тренинглар ва қўшимча машғулотлар ташкил этилмоқда.

Бу жараёнда биз учун сертификатнинг ўзи эмас, балки уни олиш жараёнида шаклланаётган билим, малака ва ишонч муҳим. Чунки ҳақиқий рақобатбардош мутахассис – ўз устида доимо ишлайдиган, янгиликка интиладиган, бир тил билан чекланиб қолмайдиган ва дунёдаги ўзгаришларни англайдиган ёшлардир.

Ҳар бир олий таълим муассасаси учун унинг энг катта бойлиги битирувчилари ҳисобланади.

Институтимиз битирувчилари бугун таълим, туризм, хизмат кўрсатиш, таржима, илмий-тадқиқот ва бошқа кўплаб соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда.

Уларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллаши учун таълим жараёнининг ўзидаёқ касбий йўналтириш, иш берувчилар билан ҳамкорлик қилиш, бўш иш ўринлари ҳақида ахборот бериш ва ёшларни бандликка йўналтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Институтнинг Карьера маркази, расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларида бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар мунтазам бериб борилаётгани ҳам ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Биз битирувчига диплом бериш билан кифояланмаймиз, балки унинг кейинги тақдири, касбий ўсиши ва жамиятда ўз ўрнини топишига дахлдорлик ҳиссини сақлаб қолишни муҳим вазифа деб биламиз.

Бугун ёшларга билим бериш билан бир қаторда уларнинг маънавий дунёси ва мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ахборот оқими тобора кучайиб бораётган замонда ёш инсон ҳар қандай маълумотни таҳлил қила олиши, яхши билан ёмонни, ҳақиқат билан ёлғонни ажрата билиши керак.

Шунинг учун таълим – фақат фанни ўзлаштириш эмас, у инсонни фикрлашга, изланишга, савол беришга, ўз позициясига эга бўлишга ўргатишдир.

Айниқса, хорижий тилларни ўрганаётган ёшлар учун миллий ўзликни англаш, Ватан тарихини билиш, миллий қадриятларимизга ҳурмат билан қараш муҳимдир.

Биз дунёни англайдиган, аммо ўзлигини унутмайдиган авлодни тарбиялашни мақсад қилганмиз.

Мустақилликнинг 35 йиллиги арафасида ҳар биримиз босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, эришилган ютуқлар билан бирга олдимизда турган вазифаларни ҳам чуқур ҳис этмоқдамиз.

Бугун мамлакатимизда ёшларга яратилаётган имкониятлар, таълим соҳасига қаратилаётган эътибор биздан янада катта масъулият билан ишлашни талаб этади.



Самарқанд давлат чет тиллар институти жамоаси ҳам янги ўқув йилини ана шундай юксак мақсад ва эзгу ниятлар билан қарши олмоқда.

Биз учун ҳар бир янги талаба – янги умид.

Ҳар бир яхши ўзлаштирилган тил – янги имконият.

Ҳар бир малакали битирувчи – мамлакат тараққиётига қўшилган ҳисса.

Ҳар бир билимли ёш – мустақилликнинг мустаҳкам таянчи.

Зеро, мустақилликнинг энг буюк неъмати эркин фикр ва билим олиш имкониятидир.

Тил билган ёш дунёни англайди. Дунёни англаган ёш эса ўз Ватанининг дунёдаги муносиб ўрнини янада юксалтиришга қодир.

Бугунги ёшларга ишонч – эртанги кунга ишонч.

Мустақил Ўзбекистоннинг янги тарихи ана шу билимли, маърифатли, юксак мақсадли авлод қўлида давом этади.

УМУМРЕСПУБЛИКА ТАРҒИБОТ АКЦИЯСИ ЯКУНЛАНДИ

Сархисоб

Бугунги кунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашиш, йўл-транспорт ҳодисалари сонини қисқартириш ҳамда фуқароларда йўл ҳаракати қоидаларига онгли риоя қилиш маданиятини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Йўлларда инсон ҳаётини муҳофаза қилиш, транспорт интизомини мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда нафақат жазо чоралари, балки юксак ҳуқуқий онг ва йўл маданиятини қарор топтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Райҳона ЎРМОНОВА,
"Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бўлим бошлиғи



Статистик маълумотлар мазкур масаланинг нақадар долзарб эканини яққол намоён этмоқда. 2024 йил давомида ҳайдовчилар томонидан қарийб 20 миллион марта йўл ҳаракати қоидабузарлиги содир этилган.

2025 йилда эса мамлакатимизда қарийб 27 миллион йўл ҳаракати қоидабузарлиги қайд этилган бўлиб, уларнинг 77 фоизи қўпол қоидабузарликлар ҳиссасига тўғри келган. Йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида 2 188 нафар фуқаро ҳалок бўлган, 8 900 нафардан ортиқ киши турли даражада тан жароҳатлари олган.

2026 йилнинг дастлабки уч ойи давомида республикада 1 102 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Уларнинг 31,4 фоизи (346 та) инсон ўлими билан якунланган бўлса, 13,6 фоизи ҳайдовчилар томонидан пиёдага йўл бермаслик, 32,9 фоизи белгиланган тезликка риоя қилмаслик, 4,2 фоизи ҳайдовчининг ҳаракат вақтида ухлаб қолиши ва 22,4 фоизи светофор талабларига амал қилмаслик оқибатида содир бўлган.

Бундан ташқари, жорий йилнинг февраль ойида Тошкент шаҳрида 10-синф ўқувчиси бошқарувидаги BMW автомобили иштирокида содир бўлган ҳамда Йўл-патруль хизмати инспекторининг ҳалок бўлиши билан якунланган фожиали ҳодиса ҳам жамоатчиликда кенг муҳокама қилиниб, вояга етмаганларнинг транспорт воситасини бошқариши, ота-оналар масъулияти ва йўл ҳаракати маданиятини ошириш масалаларини яна бир бор кун тартибига олиб чиқди.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқий савод-хонлигини ошириш, уларда хавфсизлик қоидаларига онгли муносабатни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Шу мақсадда “Адолат” социал-демократик партияси ташаббуси билан 3–21 август кунлари “Йўл маданияти – хавфсиз ҳаёт кафолати” умумреспублика тарғибот акцияси ташкил этилди. Мазкур акция Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, Транспорт вазирлиги ҳамда Маҳаллалар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилди. Акциянинг асосий эътибори ҳайдовчи ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш масъулиятини ошириш, йўлда хавфсизлик кўникмаларини мустаҳкамлаш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга кўмаклашишга қаратилди.

Тадбирлар доирасида маҳаллалар, боғчалар, аҳоли гавжум ҳудудлар, бозорлар ва савдо мажмуалари, автошоҳбекатлар, темир йўл вокзаллари ҳамда автомобиль йўллари атрофида тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилди. Аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказилиб, йўл ҳаракати хавфсизлигига оид масалалар юзасидан амалий тавсиялар берилди. Тадбирларда соҳа мутахассислари, партия депутатлари ва фаоллари ҳамда кўнгиллилар иштирок этди. Мулоқотлар давомида, аввало, белгиланган тезлик меъёрларига амал қилиш, пиёдаларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, йўл белгилари ҳамда светофор талабларига риоя этиш зарурлигига урғу берилди.

Аҳоли билан ўтказилган мазкур очиқ мулоқотлар ва профилактик суҳбатлар акциянинг кенг қамровда амалга оширилаётганини кўрсатиб, унинг натижаларини аниқ рақамларда ҳам кўриш имконини беради. Хусусан, тадбирларнинг статистик таҳлилига қарасак, жами 752 та очиқ мулоқот ва профилактик суҳбат ўтказилиб, уларда 16 853 нафар фуқаро қамраб олинди. Бу рақамлар акциянинг оддий тарғибот тадбири эмас, балки аҳолининг кундалик ҳаётига бевосита тааллуқли масалани муҳокама қилишга қаратилган кенг жамоатчилик ташаббусига айланганини кўрсатади.

Акциянинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда йўл ҳаракати хавфсизлигига фақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш нуқтаи назаридан эмас, балки инсон ҳаётини асраш, фуқаролик масъулиятини юксалтириш ва жамиятда хавфсизлик маданиятини қарор топтириш масаласи сифатида ёндашилди.

Дарҳақиқат, “Адолат” социал-демократик партияси ўз фаолиятида инсон ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш, қонун устуворлиги ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришни устувор вазифалардан бири деб билади. Шу боис йўл ҳаракати хавфсизлиги, транспорт интизоми ва аҳоли ўртасида йўл маданиятини оширишга қаратилган мазкур мавзу партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари билан уйғундир.

Хусусан, партиямизнинг 2025–2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурининг I боби – “Ҳуқуқий давлат барпо этиш – олий мақсадимиз” доирасида йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган қатор муҳим ташаббуслар ўрин олган. Жумладан, ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини мунтазам бузганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш, транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган ёки оғир оқибатларга сабаб бўлган шахсларни умрбод ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳамда тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойларида пиёдалар ҳуқуқларининг устуворлигини сўзсиз таъминлашга қаратилган ҳуқуқий нормаларни жорий этиш ташаббуси илгари сурилган.

Мазкур акцияни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – йўл ҳаракати хавфсизлиги ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш маданияти, таълим-тарбия, жамоатчилик назорати ва қатъий жавобгарликнинг ўзаро уйғунлиги бўйича аҳолининг ҳуқуқий онги ва хабардорлигини ошириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат органлари, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари ва сиёсий партиялар ўртасида конструктив мулоқот учун самарали платформа яратиш, йўл ҳаракати иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳурмат, масъулият ва хавфсиз ҳаракатланиш маданиятини шакллантиришга қаратилган очиқ мулоқот муҳитини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишдир.

Дўстликнинг назмона саҳифалари

Жуғрофий жиҳатдан Озарбайжон билан юртимиз ўртасида бошқа мамлакатлар бўлса-да, ёшлигимдан нимагадир бу диёрни қўшни-қондош республикалар қаторида ўзимизга яқин ҳис қилардим.



Муҳтарама УЛУҒОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Бунга сабаб... балки ақлимни таний бошлаган кунлардан қалбимга Навоий ҳазратлари, Машраб билан тенгма-тенг Фузулий ғазаллари кириб келганимикин? Отам деярли ҳар куни кечки таомдан кейин араб имлосида битилган, ўқилаверганидан варақлари алоҳида-алоҳида бўлиб кетган муқоваси нақшинкор китоблардан мутафаккир шоирларнинг ғазалларини ўқиб берардилар. Фузулий ғазалини ўқиб, кейин уни хиргойи қилардилар, отамга акам жўр бўларди:

Шифойи васли қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зилоли шавқи завқин ташнаи бемор ўландан сўр...

Сўзларнинг бунчалар гўзал, ширинлигини шу ғазални эшитганимда янаям кўпроқ ҳис этгандай бўлардим...

Кейин “Озарбайжонфильм” студиясида ишланган “Қайнона” киносини оиламиз, қўни-қўшнилару маҳалламиз билан қайта-қайта мазза қилиб томоша қиладиган, муҳокама қиладиган бўлдик. “Аршин мололан” фильмидаги сулувларга маҳлиё эдим, улар, назаримда, бундан беш аср муқаддам мўйқалам устаси Камолиддин Беҳзод, замондошимиз Чингиз Ахмаров чизган паричеҳраларнинг тимсоли эди...

...Шеърият бўстонида озар халқ оғзаки ижодининг ажойиб намунаси бўлган баятилардан бир намуна:

Азизим, бахтиёрим,
Кўнглимнинг тахти ярим,
Юзингда кўз изи вор,
Санга ким боқти, ёрим?..

Бу сатрлар ботинию зоҳиридаги ҳикмату санъати билан бир ўқиганимда қалбимга нақшланиб қолди. Имконим етган жойдан баятиларни топиб ўқийдиган бўлдим. Бу ўхшашсиз чашмадан кўпроқ, кўпроқ баҳраманд бўлгим келарди. Яхши ният – ярим мол. Институтни битириб, республика матбуотида шеърларим чиқа бошлагач, собиқ иттифоқ ёш шоирларининг Душанбе шаҳрида ўтган IX фестивали иштирокчиси бўлдим. Қалби, табиати қайноқ ёш шоирлар орасида сўзини бекорга зое қилмаслиги билан ажралиб турадиган озарбайжонлик Тоҳир Исмоилов билан қўшни жойлашибмиз. Ҳамхонам Ирина ва Тоҳир учаламизнинг суҳбатларимиз сокин, жуда жозибали бўларди. Бир гал Тоҳир ўз рафиқаси билан қандай танишганини сўзлаб берди:

– Менинг касбим – шифокор. Тиббиёт институтига қабул қилинганимда 1 сентябрь куни дарсга кечикиб келганман. Гуруҳимиз машғулоти қайси хонада эканини билиш учун дарслар жадвали осилган тахта ёнига келдим. У ерда бир қиз ҳам жадвални кўриб турган экан. “Фалон гуруҳнинг қаердалигини билмайсизми?” деихтиёр сўрадим ундан. Қиз ўгирилиб жавоб бериш учун орқасига қадам ташлади ва... унинг ингичка, узун, суякдек қаттиқ пошнаси оёғимнинг устига санчилиб тушди. Ўша ердан мени “Тез ёрдам”да шифохонага олиб кетишди. Кейин у қиз кечирим сўрагани, хабар олгани бир неча марта шифохонага борди. Ўша қиз – рафиқам билан тақдирим мана шундай боғланган...

Бу эсдан чиқмас воқеанинг бош қаҳрамони – қизнинг оти Гулгун экан. 1970 йилларда бизда нисбатан жуда камёб бўлган бу чиройли исм хаёлимга муҳрланиб қолди. Уни неча йиллар дилимда асраб, сандиғидаги ноёб бойлигидан қувонган каби дилимда такрорлаб завқланиб юрдим. Аллоҳ қиз фарзанд насиб этди, исмини Гулгун қўйдик...

Тоҳир Исмоилов билан суҳбатларимизга баятилар ҳам мавзу бўлар, у янги-янги баятилардан ўқиб берарди. Тошкентга қайтганимиздан кейин кутилмаганда менга почта орқали жўнатма келиб қолди – у катта “Баятилар” китоби эди, Тоҳир шоир юборибди. Эҳ-ҳе, ундаги минглаб тўртликларнинг ҳар бири ўзига хос митти чаман, тугал гулдаста, зако ва туйғулар замзамаси эди мен учун. Улардан таржима қилиб қалбим бойиди, шундай инжатаъб халққа яна кўпроқ бойланди...

Озар адабиётининг насрий намуналари билан илк танишувим Анар муаллимнинг ҳикояларини ўқиш билан бошланди. Унинг асарларида ўзимга қадрдон оилалар ҳаётини, онамни кўраман...

Илк шеърий тўпламим, ундан кейинги китобларим, нашрларда босилган туркумларимга биринчилардан бўлиб эътибор қаратган, фикрларини билдирган озарбайжонлик Яшар Қосимов (*ҳозирги кунда таниқли адабиётшунос олим, ўзбек адабиётининг катта билимдони ва тарғиботчиларидан*) билан ёшлик йилларида танишдик. Ўшанда у Ўзбекистон Миллий университетининг талабаси эди. Яшарнинг синглимиздек бўлиб қолган шоира Мақсудага уйланиши қадрдонлигимизни оширди. Мен бу инсондан ҳар қандай вазиятда ҳам дўстга садоқатнинг ибратли намунасини кўрдим, ўргандим...

Меҳмон – азиз. Аммо шундай меҳмонлар борки, уларнинг қадру эътиборини сўзлар билан ифодалаш қийин. **Ўзбекистонимизга Юртбошимиз таклифи билан Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ташриф буюриши ҳақидаги хабарни эшитганда умр китобимнинг энг севимли, қайта-қайта ўқиганим сайин қадри ортиб борадиган саҳифалари янаям нурланиб кетгандек бўлди.** Биз эътиборли меҳмонни атойи Худо, дейдик. Зеро, айни ташриф замирида озару ўзбек халқининг минг йиллар силсиласида тобланган маданий, маънавий, маърифий, иқтисодий алоқалари ришталарини яна ҳам мустаҳкамлаш, икки халқ учун янги истиқболли йўллар, имкониятларни кенгайтиришдек тарихий мақсадлар ётибди.

Мутафаккир шоир Фузулий *“... ишқ завқин завқи ишқи вор ўландан сўр”* деганларидек, саодатбахш мақсадлар йўлида улуғ ниятларга садоқати, уларни рўёбга чиқаришда улкан завқу ишқи бор халқларнинг бирлашуви, жипслашувидан ортиқ хайрли тадбир бўлмас, шундай эмасми?



ОЛМАЛИҚДА айём кенг нишонланди

Барчамизнинг энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Мустақиллигимизнинг 35 йиллик қутлуғ тўйи бутун мамлакатимизда **“Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!”** шиори остида кенг нишонланмоқда. Мазкур шонли сана муносабати билан Олмалиқ кон-металлургия комбинати спорт мажмуасида катта байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан “Олмалиқ КМК” АЖ бошқаруви раиси, сенатор Абдулла Хурсанов барчани истиқлол айёми билан самимий муборакбод этар экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг замирида, инсон қадрини улуғлаш, халқимиз фаровонлигини таъминлашдек олийжаноб мақсад мужассам эканлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, корхонада амалга оширилаётган йирик стратегик инвестиция лойиҳалари, ишлаб чиқариш қувватларининг модернизация қилиниши ҳамда юртимизда ҳукм сураётган барқарорлик сиёсати иқтисодий юксалишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида қайд этиб ўтди.

Тадбирда иштирок этган Олмалиқ шаҳар ҳокими Барҳаёт Мелиев ҳам барчани байрам билан муборакбод этди.

Тадбир давомида қутлуғ сана муносабати билан Президентимиз фармонига кўра давлат мукофотлари билан тақдирланган комбинатнинг бир гуруҳ ишчи-ходимлари ва Олмалиқ шаҳар корхона-ташкилотлари вакиллари эътироф этилди. Шунингдек, комбинатнинг бир гуруҳ илғор ишчи-ходимларига турли даражадаги “Кончилик шуҳрати” кўкрак нишонлари тантанали равишда топширилди.

“Металлург” маданият саройи ижодкорлари томонидан тайёрланган бадиий композиция барчага манзур бўлди. Айниқса, Миллий гвардиянинг Тошкент вилояти бошқармаси ходимлари томонидан маҳорат билан ижро этилган буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳаёти билан боғлиқ саҳнавий чиқишлар ҳамда Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар бўлимлари, ОКМК Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати ходимлари, “Темурбеклар мактаби” ўқувчиларининг тантанали ҳарбий марши томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Шунингдек, эл ардоғидаги санъаткорлар, комбинат спортчилари ҳамда ёш умидли спортчилар томонидан тайёрланган турли спорт йўналишларидаги маҳоратли ва кўргазмали чиқишлар ҳам байрам тадбирининг юқори кўтаринки кайфиятда ўтишини таъминлади.

ОКМК Ахборот хизмати



t.me/Gazeta_Adolat
adolat24.uz/
2026-YIL
28-AVGUST
№ 34 (1602)

31 avgust – Qatag‘on qurbonlarini yod etish kuni





ЖАДИДЛАР ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:

маърифатдан миллий уйғонишгача бўлган йўл

Дилшод МАМАРАЖАБОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

МАЪРИФАТ, МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ВА ЗАМОНАВИЙ ТАФАККУР – БИР АСР АВВАЛГИ ОРЗУНИНГ БУГУНГИ МАЗМУНИ

Тарих, баъзан орадан юз йиллар ўтса-да, ўз саволларини ўзгартирмайди. Фақат саволнинг манзили ўзгаради, холос. Бир аср аввал Туркистон зиёлилари: “Миллатни қандай уйғотиш мумкин?” деган савол қаршисида турган бўлса, бугун биз: “Уйғонган миллатни қандай қилиб тараққиётнинг илғорлар қаторига олиб чиқиш мумкин?” деган саволга жавоб излаяпмиз.

Мактаб остонасидан бошланган жадидлар ҳаракати аслида миллат тақдирини ўзгартиришга қаратилган улкан маърифий, ижтимоий, таъбир жоиз бўлса сиёсий лойиҳа эди. Улар учун янги усулда ўқитиш оддий педагогик янгилик эмас, жаҳолат ва истибдод даврида очилган биринчи дарча эди. Кейинроқ бу дарча матбуотга, театрга, адабиётга, иқтисодга ва ниҳоят, сиёсатга очилди.

Бугун “Янги Ўзбекистон”, “Учинчи Ренессанс” каби тушунчалар ҳақида гап кетар экан, жадидлар тажрибаси тарих китобида қолиб кетган хотира эмас, балки замонавий тараққиётнинг маънавий илдизларидан бири сифатида намоён бўлади ва бунга ўткир назар, теран зеҳн билан қараш керак бўлади.

МАКТАБДАН БОШЛАНГАН КАТТА УЙҒОНИШ...

Жадидчиликнинг илк қадами Қримда Исмоилбек Ғаспирали асос солган янги усул мактаблари билан боғлиқ бўлса, унинг Туркистондаги мазмуни миллий уйғониш билан бойиди. Ғаспиралининг “Дилда, фикрда, ишда бирлик” деган ғояси турли ўлкалардаги маърифатпарварларни бир фикр атрофида яқинлаштирди. Жадидлар эскича таълимнинг тор доирасига сиғмайдиган янги дунёқарашни таклиф қилдилар. Арифметика, география, тарих, табиий фанлар, тиллар – буларнинг барчаси янги авлод учун зарур билимлар сифатида мактабга кириб келди. Аммо уларнинг мақсади фақат билимли бола тарбиялаш эмас эди. Билимли инсондан – онгли фуқаро, онгли фуқародан – ўз тақдирини англаган миллат яратиш уларнинг узоқни кўзлаган нияти, келажак учун пойдевори эди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавваркори, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Исҳоқхон Ибрат ва уларнинг сафдошлари турли йўналишларда бир-биридан узоқ манзилларда фаолият юритгандек кўринса-да, аслида уларнинг мақсади ва маслаги, эътиқоди ва ғоялари муштарак эди: миллатни маънавий уйқудан уйғотиш!

Бугун ахборот оқими бир зумда дунёнинг бир томонидан иккинчи чеккасига етиб борадиган энг тезкор воситага айланди. Жадидлар замонида эса бир газета ёки журналнинг пайдо бўлиши, улкан маънавий воқеа бўлиши баробарида сиёсий онг учун ўта муҳим воситаларнинг бири эди.

“Самарқанд”, “Ойина”, “Тараққий”, “Хуршид”, “Шуҳрат”, “Садои Туркистон”, “Ҳуррият” каби нашрлар халқ учун шунчаки хабар манбаи бўлиб қолмади. Улар жамиятни фикрлашга, савол беришга, ўз атрофига бошқача назар билан қарашга ундади. Беҳбудий газетани қалам билан қуриладиган мактабга айлантирди, Авлоний адабиёт ва таълимни уйғунлаштирди, Фитрат қалам орқали жамиятнинг дардли нуқталарига қўл теккизди, Чўлпон эса миллат руҳининг титроғини шеър ва насрга кўчирди.

Бугун матбуотнинг шакли ўзгарди, газета ўрнини интернет нашрлари, ижтимоий тармоқлар, блоглар ва рақамли платформалар эгаллади, медиамаконда танлов имконияти кўпайди. Аммо вазифа деярли ўша: жамиятга нафақат ахборот бериш, жамиятни фикрлашга ундаш.

> Жадидлар муаммони кўрдилар ва унга амалий жавоб изладилар: саводсизликка қарши мактаб очдилар, китоб етишмаслигини нашриёт ташкил этиш ва дарслик ёзиш билан енгишга ҳаракат қилдилар, ахборот танқислигига қарши газета чиқардилар; жамиятдаги иллатларни кўрдилар – театр ва адабиёт орқали уларни муҳокама қилдилар; мутахассис етишмаслигини англадилар – ёшларни хорижга юбордилар; сиёсий ҳуқуқ чекланганини кўрдилар – мухторият ва ислоҳот ғоясини ўртага ташладилар.

Шу маънода жадидларнинг матбуот маданияти бугунги журналистика ва очиқ мулоқот учун ҳам муҳим сабоқдир. Ахборот кўпайган даврда энг катта эҳтиёж – уни таҳлил қила оладиган, ҳақиқат билан шов-шувни фарқлайдиган тафаккурли инсонни тарбиялашдир.

Жадидлар халқни фақат китоб билан уйғотиб бўлмаслигини ҳам англадилар. Китоб ўқимайдиган одамга фикрни саҳна орқали етказиш мумкин эди.

Абдулла Авлоний раҳбарлигида ташкил этилган “Турон” театри ва Беҳбудийнинг “Падаркуш” драмаси шу маънода катта маданий воқеа бўлди. Театр томошабин олдига жаҳолат, тарбия, оила, илм ва бойлик каби масалаларни олиб чиқди.

Жадидлар санъатни кўнгилочар восита эмас, ижтимоий тарбия мактаби деб билдилар. Бугунги кунда эса бу ёндашув янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, замонавий кино, сериал, театр, адабиёт ва рақамли контент инсон дунёқарашига дарсликдан кам таъсир қилмайди. Демак, жадидларнинг “маърифатни оммалаштириш” тажрибаси бугун ўнлаб янгича шаклларда намоён бўлмоқда. Аммо таъкидлаш лозимки, барча даврлардаги каби жамият учун собит танлов ҳар доим ҳам ўзига хос мураккаб жараёнлардан кейин бўлади.

МИЛЛИЙЛИК ВА ДУНЁГА ОЧИҚЛИК – ИККИ ҚУТБ ЭМАС!

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизнинг “суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” эканлигини қатъий мустаҳкамловчи жумлалар билан бошланади. Зеро, жадидлар меросининг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳам улар миллийликни дунёдан узилиб қолиш деб тушунмаганликларида.

Беҳбудий Қозон, Уфа, Истанбул ва бошқа марказларга бориб, тажриба ўрганди. Фитрат Истанбулда таҳсил олди. Бухоро ёшлари кейинчалик Германияга юборилди. Улар чет элдан тайёр ҳаёт тарзини кўчириб келишни эмас, илғор билимни миллий тараққиёт эҳтиёжларига мослаштиришни кўзладилар. Бу сабоқ ёхуд амалиёт бугун айниқса нақадар муҳимлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Глобал рақобат шароитида миллий тилни асраш – дунё тилларини ўрганишга тўсиқ эмас. Аксинча, ўз тили ва тарихини яхши билган, бир вақтнинг ўзида хорижий тилларни эгаллаган ёшлар дунё билан тенг мулоқот қила олади. Жадидлар даврида бу формула “миллий мактаб + жаҳон тажрибаси” бўлган бўлса, бугун уни “миллий тафаккур + глобал билим + рақамли технология” тарзида ифодалаш мумкин.

“ҲАҚ ОЛИНУР, БЕРИЛМАС”: МАЪРИФАТДАН СИЁСИЙ ОНГГАЧА...

Жадидчиликнинг эволюцияси табиий эди: мактабда бошланган саволлар охир-оқибат давлат ва жамият масаласига бориб тақалди. Беҳбудийнинг “Ҳақ олинур, берилмас” деган шиори шу ўзгаришнинг рамзий ифодаси бўлди. Чунки илмли инсон эртами-кечми ўз ҳуқуқи, жамиятдаги ўрни ва давлат олдидаги масъулияти ҳақида ўйлай бошлайди. 1917 йилдан кейин Туркистон Мухториятининг эълон қилиниши жадидларнинг маърифатдан сиёсий ислоҳот сари босиб ўтган йўлини кўрсатди. Бухорода эса Ёш бухороликлар конституциявий ва демократик ислоҳотларни талаб қилдилар. Бироқ тарих уларга енгил йўл бермади. Беҳбудий амирлик даврида қатл этилди. Фитрат, Қодирий, Чўлпон ва кўплаб зиёлилар эса кейинчалик шўро репрессияларининг қурбони бўлди. Уларнинг тақдири бир ҳақиқатни эслатади: миллат уйғониши учун фақат ғоя эмас, балки уни ҳимоя қиладиган институтлар, қонун ва фуқаролик маданияти ҳам мустаҳкамланиши керак.

Бир аср аввал жадидлар “мактаб очиш”ни стратегик вазифа деб билган бўлса, бугунги Ўзбекистон учун унинг мазмуни анча кенг: сифатли таълим, кучли университет, замонавий касб, илмий тадқиқот, муҳандислик, сунъий интеллект ва рақобатбардош кадр.

Жадидлар юзлаб ёшларни хорижга илм ва амалиёт учун юборди. Бугун эса ёшларни дунёнинг энг яхши университетлари ва илмий марказларига юборишнинг ўзи кифоя эмас. Уларнинг билим ва тажрибасини мамлакатда қўллай оладиган муҳит яратиш ҳам шунчалик муҳимлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Жадидлар матбаа ташкил қилди: бугун эса рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва инновацион платформаларни ривожлантириш давр ва келажак тақозоси эканлиги кун сайин ойдинлашмоқда.

Жадидлар миллат учун дарслик ёздилар: бугун эса замонавий илм-фан, иқтисодиёт, рақамли технологиялар учун янги авлод мутахассисларини тайёрлаш энг долзарб устувор вазифалардан бирига айланди.

Жадидлар халқни газеталар билан уйғотдилар: бугун эса глобал ахборот даврида ҳақиқатни танлайдиган, мустақил фикрлайдиган, теран назарга эга бўлган фуқарони тарбиялаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Демак, жадидларнинг вазифалари ўзгарди, аммо тараққиёт мантиғи ўзгармади: билим + тафаккур + ташаббус = натижа.

Жадидларни шунчаки ёдлаш, хотирлаш эмас, улар каби фикрлаш лозим. Бугун жадидлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Уларнинг номига кўчалар, мактаблар, музейлар қўйиш, асарларини қайта нашр этиш, албатта, зарур. Аммо хотиранинг энг юксак шакли – уларнинг ғоясини ҳаётга татбиқ этиш.

Жадидлар муаммони кўрдилар ва унга амалий жавоб изладилар: саводсизликка қарши мактаб очдилар, китоб етишмаслигини нашриёт ташкил этиш ва дарслик ёзиш билан енгишга ҳаракат қилдилар, ахборот танқислигига қарши газета чиқардилар; жамиятдаги иллатларни кўрдилар – театр ва адабиёт орқали уларни муҳокама қилдилар; мутахассис етишмаслигини англадилар – ёшларни хорижга юбордилар; сиёсий ҳуқуқ чекланганини кўрдилар – мухторият ва ислоҳот ғоясини ўртага ташладилар.

Бугунги авлод олдидаги вазифалар эса бошқача: таълим сифатини ошириш, илм-фанни кучайтириш, технологияда мустақилликка эришиш, инсон капиталини юксалтириш, миллий тил ва маданиятни замонавий дунё билан уйғунлаштиришдир.

Шу маънода “Янги Ўзбекистон” ғояси билан жадидлар мероси ўртасидаги энг мустаҳкам кўприк шиорлар эмас, инсонга ва билимга таянган тараққиёт фалсафаси эканлигини чуқур ҳис қилиш ҳамда шунга муносиб бўлиш ғояси муштарак эканлигини англашдир.

Бир сўз билан айтганда, жадидлар бизга тайёр келажак қолдирмадилар. Улар дунё ҳамжамиятидан ўрганиш, ўзликни йўқотмаслик, илмни қадрлаш, ёшларга ишониш, жамият дардини яширмаслик ва ҳар бир муаммога амалий ечим излаш орқали келажакни қуришнинг йўлини кўрсатдилар.

Ҳолбуки, бугун жадидларнинг орзуси биз учун тарих эмас, масъулиятдир. Чунки миллатнинг уйғониши бир авлоднинг иши бўлиши мумкин, аммо унинг тараққиёти – ҳар бир авлоднинг вазифасидир.

Ибрат

Жаҳолат нафс хусусияти бўлиб, у зулматдир. Танага нафснинг шаҳват ва лаззатлари ўрнашса, қалб зулматда қолади.

Ҳаким ТЕРМИЗИЙ



Эй Жон!
Дўстларингни доимо вафо билан эсга ол!
(Уларни) Излаган сен бўл!
(Уларни) Топган сен бўл!
(Уларни) Таниган сен бўл!
Яна (уларни) қучоқлаган ҳам сен бўл!
Қулга вафоси бўлмаган(инсон)нинг,
ҲАҚга ҳам вафоси бўлмайди...



Жалолиддин РУМИЙ

Яхши китобларни ўқиш – ўтган замонларнинг енг ақлли одамлари билан суҳбатлашиш демакдир.

Рене ДЕКАРТ



“Ренессанс” таълим университети жамоаси университет профессори Тўлқин Алимардоновга онаси

Холида АЛИМАРДОНОВА

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

ADOLAT
Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Наримон УМАРОВ, Озода ПАРПИБОЕВА, Муҳаммад АЛИ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Гавҳар АЛИМОВА, Абдукамол РАҲМОНОВ, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Собир ТУРСУНОВ

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Абдуқаюм Йўлдошев
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 801

Адади – 4 004
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10

Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.